

*Тошкент ислом университети стажёр-
тадқиқотчи-изланувчиси Мирҳамидова
Маҳиннора Нуруллаевна*

**Ўзбекистон Республикаси ва Қувайт давлатларининг халқаро ҳуқуқий
муносабатларининг ривожланиши.**

Давлатимиз ўз мустақиллигини қўлга киритганидан сўнг халқаро муносабатларнинг тенг ҳуқуқли субъектига айланди ва жаҳоннинг турли давлатлари билан дипломатик муносабатлар ўрнатди.

Ҳозирги кунда Ўзбекистоннинг Форс кўрфази минтақасидаги энг яқин ва ишончли ҳамкорларидан бири-Қувайт давлат ҳисобланади. Ўзбекистон ва Қувайтда ислом цивилизацияси, жаҳон илми ва маданиятининг ривожига катта ҳисса қўшган бизнинг мутафаккир аجدодларимизга катта ҳурмат билан карашади. Айниқса, улар томонидан қолдирилган буюк илмий мерос Қувайт олимлари томонидан юқрои баҳоланган. ISESKO томонидан 2007 йил Тошкент ислом маданиятининг пойтахти деб эълон қилиниши нафақат бизнинг халқимиз, балки бутун Қувайт аҳли томонидан кўтаринки рух билан кутиб олинди.

Ўзбекистон Республикасининг бугунги кунда урф-одати, маданияти, дини жиҳатидан ўзига яқин бўлган араб мамлакатлари билан халқаро муносабатлари ривожланаётган айни дамда Қувайт давлати билан дипломатик муносабатларнинг ривожланиши алоҳида аҳамият касб этади. Мустақиллик йилларидан бошлаб то ҳозирги кунгача Ўзбекистон ва Қувайт давлатлари ўртасида ҳар икки давлат учун манфаатли бўлган икки ва кўп томнлама ўартнома ва битимлар имзоланди. Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Қувайт давлати Ҳукумати ўртасида икки ёқлама солиққа тортишни олдини олиш ҳамда даромад капитал солиқларини тўлашдан бош тортишни бартараф этиш тўғрисида Битим¹, Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Қувайт давлати Ҳукумати ўртасида инвестицияларни

¹ Ал-Қувайт, 2004 йил 19 январь.

рағбатлантириў ва ҳимоя қилиш тўғрисида Битим², Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Қувайт давлати Ҳукумати ўртасида ҳаво қатнови тўғрисида Битим³, Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Қувайт Араб иқтисодини ривожлантириш фонди ўртасида ҳамкорлик тўғрисида Меморандум⁴, Ўзбекистон ва Қувайт қўшма комиссиясининг 1-йиғилиши ўтказилишига оид музокаралар баённомаси⁵, Ўзбекистон ва Қувайт Савдо саноат палаталари ўртасида ҳамкорлик тўғрисида Баённома⁶ имзоланган.

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Қувайт давлат Ҳукумати ўртасида “Жиноятчиликка қарши кураш соҳасида ҳамкорлик тўғрисида” битим⁷ имзоланган бўлиб, ушбу битим юзасидан икки томон ички хавфсизлик соҳасида ҳамкорликни ривожлантириш истагида, жиноятларнинг барча кўринишларига, хусусан, терроризм, уюшган жиноятчилик ва гиёҳванд воситалар ҳамда психотроп моддаларнинг ноқонуний юргизилишига қарши курашда бир-бирлари билан тажриба алмашишга бўлган интилишларини эътироф этиб, жиноятчиликка қарши курашда халқаро ҳамкорликнинг ўта муҳимлигини таъкидлаб, суверенитет, тенглик вამ ўзаро фойдали ҳамкорлик тамойилларидан келиб чиқиб, ҳамда ўзларининг халқаро мажбуриятлари ва қонунчилигига амал қилиб, ахдлашиб олдилар. “Жиноятчиликка қарши кураш соҳасида ҳамкорлик тўғрисида” битимнинг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат:

-Томонларнинг жиноятчиликка қарши курашда ушбу Битим қоидаларига мувофиқ ўзларининг ваколатли органлари орқали ҳамкорлик қиладилар⁸.

-Томонлар ушбу Битим кучга киргандан кейин бир ой ичида ваколат доираси, манзили ва бошқа ахбротни ўзида акс этган ваколатли органлар рўйхатларини алмашдилар. Томонлар ўзларининг рўйхатларига

² Ўша жойда

³ Ўша жойда

⁴ Ўша жойда

⁵ Ал-Қувайт 2004 йил 18 май

⁶ Ал-Қувайт 2006 йил 14 январь

⁷ Ўзбекистон республикаси халваро шартномалар тўплами, 2007йил, 2-3-сон

⁸ Ушбу Битим мақсадларида ваколатли органлар қуйидагилардир: Ўзбекистон Республикаси учун-Бош прокуратура, Ички ишлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати, Давлат чегараларини ҳимоялаш қўмитаси, Давлат божхона қўмитаси; Қувайт давлати учун-Ички ишлар вазирлиги.

киритиладиган ҳар бир ўзгариш тўғрисида бир-бирларини зудлик билан хабардор этадилар.

-Томонлар хавфли жиноятларнинг барча кўринишларини, хусусан қуйидагиларни олдини олиш аниқлаш, бартараф этиш ва тергов қилишда ҳамкорлик қиладилар:

- 1) терроризм ва экстремизм;
- 2) уюшган жиноятчилик;
- 3) гиёҳванд воситалар ва психотроп моддаларнинг ноқонуний юргизилиши;
- 4) қалбаки пул белгилари, қимматбаҳо қоғозлар ва кредит карточкалари, паспортлар, визалар, шахсни тасдиқловчи бошқа ҳужжатларни тайёрлаш ва тарқатиш;
- 5) жиной фаолият натижасида олинган даромадларни қонунийлаштириш;
- 6) ўқ дорилар, қурол-яроғ, портлатиш мосламалари, заҳарловчи, портловчи моддалар ҳамда радиактив материалларнинг ноқонуний бузилиши;
- 7) кўчар маданий ва тарихий бойликларга тажовуз қилиш.

Ушбу Битим Томонлардан бири бошқа Томонни ёзма равишда ва дипломатик каналлар орқали унинг амал қилишини тўхтатиш тўғрисида ўз нияти ҳақида хабардор қилмагунга қадар, ўз-ўзидан худди шундай муддатларга узаяверади. Ушбу Битим бошқа Томоннинг хабарномаси олинганидан сўнг олти ой ўтгач амал қилишни тўхтатади⁹.

Таъкидлаш жоизки ўзбек-қувайт халқаро муносабатларида савдо, иқтисодий ҳамда инвестицион ҳамкорлик ҳам алоҳида ўрин тутади. Ўзбекистон ва Қувайтнинг араб иқтисодий тараққиёти жамғармаси билан алоқалари ривожланиб бормокда. 2011 йилнинг бошида Ислон тараққиёт банки, “Қувайт” араб иқтисодий тараққиёт жамғармаси ва ОПЕК халқаро тараққиёт жамғармаси иштирокида Жиззах ва Сирдарё

⁹ Битим Ал-Қувайт шаҳрида 2004 йил 19 январда, ҳижрий 1424 йил зулқадада, икки нусхада, ўзбек, араб ва инглиз тилларида тузилди, бунда барча матнлар бир хил кучга эга. Келишмовчиликлар юзага келган ҳолларда инглиз тилидаги матн асосий ҳисобланади.

вилоятларида ирригация-дренаж тармоқларини тиклаш лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари борасида агентлик Битими имзоланган¹⁰.

Ҳар икки давлатнинг экспорт, инвестицион ва туристик соҳалардаги салоҳиятларига бағишланган тақдирот, кўргазма ва семинарлар доимий тарзда ўтказиб келинади. Шунингдек ҳозирги кунда икки давлат ўртасида экология соҳасидаги ҳамкорликни ривожлантириши долзарб масалалардан ҳисобланади. Қувайт сувдан оқилона фойдаланиш бўйича катта тажрибага эга давлат. Бу соҳа бўйича ўзаро алоқаларнинг ривожланиши нафақат сув хўжалиги тизими ва ўрмон хўжалиги шунингдек шаҳар инфраструктурасининг тараққиётига ҳам катта ёрдам беради.

Қувайт давлатида Президентимиз ташаббуслари билан лойиҳалаштирилган Трансафғон йўлаги лойиҳасига катта қизиқиш билан қаралмоқда. Транспорт коммуникациялари соҳаларидаги ҳамкорлик муносабатлари келажакда ўзаро савдо алоқаларини кенгайтишига, ишбилармон доираларнинг бевосита алоқасининг ривожланишига хизмат қилади¹¹. Масалан давлатимиз раҳбари ташаббуси билан лойиҳалаштирилган Трансафғон йўлакчасининг қурилиши кўп тармоқли инфраструктуранинг ривожланишига, Афғонистон кўп сонли аҳолисини иш билан таъминланишига, бу давлатнинг минтақавий интеграцион жараёнларга қўшилишига имкон яратади. Шу билан бирга ушбу магистраль Ўзбекистон ва Қувайтни ўзаро яқинлаштиради. Бунинг натижасида Марказий Осиё ва Форс кўрфази мамлакатларининг ҳудудий яқинлашувига сабаб бўлади.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, Ўзбекистон ва Қувайт давлатлари ўртасидаги халқаро ҳуқуқий муносабатларнинг ривожланиши икки давлат ўртасидаги турли соҳалардаги ҳамкорлик алоқаларини ривожланишига ҳуқуқий асос бўлади. Давлатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик ҳар икки давлатнинг манфаати учун хизмат қилади.

¹⁰ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2009й.., 10-сон, 405-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011й.., 9-сон, 84-модда

¹¹ Манба: <http://mfa.uz/xalqaro-munosabatlar/>